
**Риштон туманида 2022 йилги чигит экиш ишлари қизғин
Юртимизга баҳор фасли қадам қўйиши билан, ернинг ҳадисини олган туманимиз
деҳқонлари уруғ қадаш ишларига тайёргарликни бошлаб юборишди.**

Риштон тумани ҳудудидаги фермер хўжалиги пахта даласида чигит экиш ишлари давом этмоқда. Ушбу жараёнларда туман ҳокими ҳам иштирок этмоқда.

Жорий йилда 5 минг 950 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил олишни ният қилган Риштон туманилик миришкорлар агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга астойдил бел боғлаганлар.

Бу тадбирни ўз муддатида яқунлаш мақсадида 9 та чигит экиш отрядлари ташкил этилди.

Шунингдек, 60 дона сеялкалар ва 336 та бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари сафарбар этилади.

Шунингдек, "Русўзбектекс" пахтачилик кластери томонидан мавжуд ҳудудларга пахта парваришида агротехник тадбирларни сифатли амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида малакали мутахассислар, агрономлар жалб этилди.

Кўчма устахоналар, ёқилғи тарқатиш агрегатлари шай ҳолатга келтирилди. Мавсумни кеча-ю кундуз, узлуксиз давом эттириш, отряд аъзоларига муносиб меҳнат шароитини яратиб бериш мақсадида, кўчма ётоқхоналар ҳам ҳозирлаб қўйилди. Умуман олганда, чигит экишни оптимал муддатда яқунлаш учун лозим бўлган барча техник ва ташкилий масалалар ҳал этилди.

Масъулиятли мавсум бўсағасида "Хўжа Илғор" зиёратгоҳида эҳсон тадбири ҳам ташкилланди. Қуръон тиловат этилиб, бошланажак деҳқончилик ишларига барака тиланди.

- Чигит экиш ишларини сифатли ва қисқа фурсатда якунига етказамиз, дейди туман ҳокими ўринбосари Б. Абдурахмонов. - Риштонлик пахтакорлар жорий йилда ҳам ўз олдларига юқори мақсадларини қўйишган. Бунинг учун уларга барча шароитларни яратиб берганмиз.

Бугун тумандаги барча пахтачилик фермер хўжаликларида иш қизғин. Чигит экишни ўз муддатида яқунлаш учун тинимсиз меҳнат қилишмоқда.

Аброр Деҳқонов,

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети,

Медиа ва коммуникация факультети 2-босқич талабаси.

2022-04-02 06:23:46